

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- Ой якунларига кўра, савдоларнинг умумий ҳажми 244,12 млрд сўми (\$19,68 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг август ойига нисбатан 552,50 млрд сўмга ёки 69,36% га пасайди.
- Шу билан бирга, 47,84 млрд сўми (3,83 млн доллар) ёки битимлар ҳажмининг 19,60 фоизи биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Савдо ҳажмининг қолган қисми листингдан ташқари савдо майдончаси (ЛТСМ) битимларига тўғри келди.
- Биржа савдо майдончаларидаги битимларнинг умумий сони 48 561 тани ташкил этиб, бу 2024 йилнинг август ойига нисбатан 8 025 тага ёки 19,80 фоизга ошди. Шундан 43 342 та битим Биржанинг биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан, 5 219 та битим эса листингдан ташқари савдо майдончасида амалга оширилган.
- Ўртача кунлик савдо ҳажми 11,62 млрд сўми (937 180 доллар), ўртача кунлик битимлар сони эса 2 312 тани ташкил этди.
- Ой якунига кўра, UCI индекси 3,95 % фоизга ошиб, 682,95 пунктни ташкил этди.

БОЗОР ШАРҲИ

АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 39,84 млрд сўми (3,19 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг август ойига нисбатан 25,96 млрд сўмга ёки 3 баробарга ошди. Шу ўринда, савдоларнинг асосий ҳажми (19,99 млрд сўм) Free of Payment (FoP) платформасига тўғри келди.

Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 1,90 млрд сўми (152 131 доллар), ўртача кунлик битимлар сони эса 2 012 тани ташкил этди.

Ой якунига кўра, акциялар бозорининг капиталлашуви 9,75 трлн сўмга ёки 3,90 фоизга ошиб, 259,52 трлн сўми (20,79 млрд доллар) ташкил этди. Эркин муомалада бўлган (free float) акцияларнинг бозор капиталлашуви 4,34 трлн сўми (348,03 млн доллар) ташкил этди.

Ой якунига кўра, 92 та акция эмитентларининг 134 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида мавжуд эди.


Акциялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		Август-21	Август-22	Август-23	Август-24	Август-25
Савдо ҳажми	млн сўм	20 076	17 729	172 931	13 885	39 842
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	913	771	7 519	631	1 897
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	4	3	4	1	1
Битимлар сони	дона	5 323	6 401	40 535	37 358	42 248
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	242	278	1 762	1 698	2 012

UCI ИНДЕКСИ

Ой якунига кўра, UCI индекси 3,95% фоизга ошиб, 682,95 пунктни ташкил этди.

2025 йил август ойидаги UCI индекси графиги



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозорида савдолар ҳажми 8,00 млрд сўми (637 928 доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг август ойига нисбатан 5,51 млрд сўмга ёки 3 баробарга ошди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 380,93 млн сўми (30 378 доллар), ўртача кунлик битимлар сони 52 тани ташкил этди.

Биржа котировкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,51 трлн сўми (120,97 млн доллар) ташкил этди.

Ой якунига кўра, 11 та облигация эмитентларининг 19 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида мавжуд эди.

Облигациялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		Август-21	Август-22	Август-23	Август-24	Август-25
Савдо ҳажми	млн сўм	570	0	2 385	2 492	8 000
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	26	0	104	113	381
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	114	0	56	8	7
Битимлар сони	дона	5	0	43	327	1 089
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	0,2	0	2	15	52



ЛИСТИНГ

Ой охирида биржа котиловкалаш варағида 101 та эмитентнинг 153 та инструментлари мавжуд эди.

ЛИСТИНГДАН ТАШҚАРИ САВДО МАЙДОНИ (ЛТСМ)

Ой якунига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 5 219 та битим тузилиб, ўтган йилнинг август ойига нисбатан 83,19% га пасайди.

Савдолар ҳажми 196,28 млрд сўми (15,85 млн доллар) ташкил этиб, ўтган йилнинг август ойига нисбатан 74,84 фоизга пасайди.

93 та эмитентнинг қимматли қоғозлари битимлар объекти бўлди.